МИРҲАСАН САДОИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА МАЪРИФИЙ ҒОЯЛАР ТАЛҚИНИ

Н.Муҳитдинова

Мақолада Мирҳасан Садоий ижодий меросининг Қўқон адабий муҳитидаги ўрни ва аҳамияти ўрганилган. Садоий лирикасида ифодаланган маънавий-маърифий ғоялар ва шоирнинг комил инсон образини яратишдаги маҳорати таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *ижодкорлик, адабий муҳит, ижтимоий ғоялар, маърифий ғоялар, бадиий образ, комил инсон.*

Статья посвящена раскрытию места и значения творческого наследия Мирхасана Садаи в Кокандской литературной среде. Рассматриваются духовно-просветительские идеи и мастерство поэта в создании образа «совершенного человека».

Ключевые слова: *творчество, литературная среда, социальные идеи, просветительские идеи, художественный образ, «совершенный человек».*

The article is devoted to the disclosure of the place and significance of Mirkhasan Sadai's creative heritage in the Kokand literary environment. Spiritual and enlightening ideas and mastery of the poet in creating the image of a «ideal personality» are considered.

Key words: *creativity, literary environment, social ideas, enlightening ideas, artistic image, «ideal personality».*

XVIII аср охири – XIX аср биринчи ярмида яшаб ижод этган Мирҳасан Садоий фалсафий, ижтимоий-маърифий қарашлари шаклланган, ижодда ўз йўлига эга, замондошлари томонидан эътироф этилган ижодкорлардандир. Мирҳасан Садоий девонида диний-маърифий ғоялар, асосан, ҳамд ва наът ғазалларда ёрқин намоён бўлади. Албатта, ошиқона, риндона ва орифона ғазаллар моҳиятан диний ғоялардан ташқари эмас ва уларда ҳам у ёки бу жиҳатдан диний-маърифий руҳдаги фикрлар айтилаверган бўлиши мумкин. Ошиқона ғазаллардаги ёр тимсоли замирида Аллоҳ васлига етишиш ғоялари яширин эканини инобатга олсак, уларни ҳам диний-маърифий ғоялар сифатида талқин этиш мумкин.

Ҳамд ғазалларнинг бир тури – муножот ғазаллар ҳақида адабиётшунос Зиёда Ғаффорова шундай ёзади: «Муножот ялиниб-ёлвориш маъносини ифодалайди. Муножот ғазалларда лирик қаҳрамон Аллоҳга илтижолар қилади, ундан билиб-билмай қилган гуноҳларидан кечишни сўрайди» [5.3]. Садоий девонидан 14 та муножот ўрин олган. Муножотларда шоир Ҳақ таолонинг сифатларини мадҳ этар экан, ўзининг жуда кўп арз-додини айтади, тавба-тазарру ва истиғфор қилади, Яратгандан бир маърифатга ташна, хаста, бенаво қул сифатида мадад кутади. Шоирнинг қатор муножотлар ёзишдан мақсади – Ҳақдан ҳидоят, яъни тўғри, пок йўлга йўллашини, раҳматидан баҳраманд этишини ёлвориб сўраш. Бинобарин, шоир ҳаётининг мазмуни ҳам шундан иборат. Чунки «Бу ғазаллардаги мурожаат этиладиган ва таърифланадиган асосий қаҳрамон – бевосита Ҳақнинг ўзи. Лирик қаҳрамон бир банда сифатида Яратгувчисига ўз қалб туйғуларини ошкор қилади» [5.8].

Муножотларида Садоий Тангри таолога, жумладан, «Нигоро», «Табиб», «Нозанин», «Дилбаро» деб мурожаат этади. Шоир бу тахлит ғазалларида Парвардигор марҳамати билан яратилган махлуқотни васф этади, тарихий воқеа-ҳодисаларга ишора қилиб, саломат иймону комил ахлоқ эгалари бўлмиш инсонларни тилга олади, ўзи ҳам шулар қаторида бўлишни орзу қилади. Садоийнинг муножот ғазаллари, бир томондан, диний дунёқараши, эътиқоди, идеаллари ҳақида тасаввур уйғотса, иккинчи томондан, унинг Шарқ мумтоз шеърияти анъаналари таъсирида шаклланган юксак бадиий маҳоратидан далолат беради.

Садоийнинг барча муножот ғазаллари унинг бошқа мазмундаги шеърларига қараганда, ҳажм жиҳатидан анча катта, яъни 9 байтдан 20 байтгача. Баъзи ошиқона ғазалларнинг ҳам охирги байтлари, яъни мақтаълари муножот билан тугайди. Бу, албатта, муаллифнинг маънавий олами, эътиқоди шарҳи сифатида шоир шеъриятининг асосий моҳияти, мазмунини белгилайди.

Садоий инсониятнинг энг баркамол хулқли намояндаси, оламлар тарбиячисининг халифаси, гўзал исломий ахлоқни ҳадди аълосида камолга етказиш учун юборилган зот – пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) шахсиятига нисбатан ўзининг чексиз муҳаббатини, унинг шафоатидан умидворлигини билдиради. Шоир наът ғазалларида Расули акрам (с.а.в.) ни энг баланд, аъло мақомдаги бир зот сифатида тасвирлаб, бу дунёда ҳам, охиратда, яъни қиёмат кунида ҳам барча инсонлар ул зоти олий марҳаматларига мунтазир бўлиб туришини бадиий лавҳалар, ирсолу масал, ташбеҳ, талмеҳ ва бошқа бадиий-тасвирий воситалар орқали ифодалайди. «Дилимни банд этган дилбарим, мен сенинг меҳрингни жоним

ичида жо қилдим, хоки пойингни кўзларимга тўтиё қилдим», дея мурожаат этади шоир бир наътида (139-ғазал). Қуръони карим оятларидан шоир фақат ҳамд ва наът мазмунидаги ғазалларидагина иқтибослар келтиради. Бошқа мавзудаги шеърларда бу ҳодиса кўзга ташланмайди.

Ғазалларидан бирининг мақтаъсида шоир лирик қаҳрамони Расулуллоҳ (с.а.в.) эшикларидаги итларга садоқат кўрсатади. Бу ўхшатиш бевосита Ҳазрат Навоийнинг бир наът ғазали мақтаъсида лирик қаҳрамон ўзини Расулуллоҳ (с.а.в.) итлари қаторида юришни орзу қилгани лавҳасини эслатади.

***Навоийда*:**
Итларинг махсусу маҳзундур, Навоий, кошки,
Бўлса бу маҳрум ҳам ул зумрайи маҳрам аро.
[1. 27]

***Садоийда*:**
Орзу айлаб Садоий бир сани, эй нозанин,
Итларингга оқибат жоним ғизо қилдим бу кун.
[3. 105б]

Пайғамбар (с.а.в.)ни шоир энг севимли, маҳбуб исмлар билан атайди, «гадойи даргоҳингман», деб, даргоҳларига боришни орзу қилади, уни: «Сулаймон сенинг камтарин чокаринг, Юсуф ғуломинг бўлсин», дея улуғлайди. Сарвари коинотга: «Қиёмат куни Арабдан то Ажамгача аввалу охир – барча сендан умидвордирлар, мен эса дилу жоним билан қасам ичиб айтаманки, сендан ҳаргиз кўнглимни узмасман», дея садоқат билдиради.

Наътларда шоирнинг бой, кенг дунёқараши, эътиқодда собитлиги яққол намоён бўлади, ҳис-туйғулари авж нуқталарда тараннум этилади:

Орзуманд кўргали, ойдек юзингдан ўргулай,
Олтмиш абру камон олтун сўзингдан ўргулай...
Умматим деб, бу Садоийни қиёмат даштида,
Ман сани(нг) қилғон нигоҳу ҳам кўзингдан ўргулай.
[3. 141а]

Дарҳақиқат, инсониятга энг кўп яхшилик, хайр, баракот келтирган зот Муҳаммад (с.а.в.) бани башар фарзанди эди. Шундай экан, ана шу комил инсонни улуғлаш орқали шоир Одам Ато фарзандларини, демак, оддий инсонни кўкларга кўтаради.

Девоннинг анчагина саҳифасини ташкил этадиган орифона, сўфиёна шеъриятни мавзу-моҳият нуқтаи назаридан уч ўзанда таҳлил этиш мумкин: ўз-ўзини маломат руҳида ёзилган, риндона кайфият баён этилган ва орифона ғазаллар, мағзи-мағзига даврон ва замона аҳлидан шикоят мотивлари сингдириб юборилган асарлар.

Шоир девонидан ўн тўққиз байт, қарийб қирқ мисрадан иборат бир ғазал ўрин олганки, унда маломатийлик шарҳи энг авж пардага кўтарилган. Ғазал «Худовандо, ўзум билмайки, бад қилдим, хато қилдим» мисраси билан бошланади. Унда Ҳақ таоло зотига ҳамд, сифатлари васфи, муножот, ўтинч, Ҳақ раҳматидан умидворлик акс этган бўлиб, ҳар бир байтда «бад қилдим, хато қилдим» ибораси радиф сифатида такрорланиб келади. Шоирнинг бу қадар ўз-ўзини маломат қилиши сабаби эса ғазал мақтаъсида баён этилади:

Танини роҳатин чоғлаб, белин беҳудаға боғлаб,
Садоий айтадур йиғлаб, ки бад қилдим, хато қилдим.
[3. 89б]

Шоир девонида шундай байтлар, ғазаллар учрайдики, улар мазмунидан шоирнинг бой ички дунёси, шахсияти яққол намоён бўлади. Бундай ғазаллар шарқ мумтоз шеъриятида риндона ғазаллар деб номланади. Бу ғазалларда лирик қаҳрамон ўзини ўраб турган ижтимоий муҳитга қарши ичдан исён қилади, қолипларга кириб яшашни истамайди. У ҳеч кимдан андиша, истиҳола қилмай, ўзининг озод фикрини баён этар экан, бевосита онги ва қалбини банд этган ўйларни, ўзининг шахс сифатидаги моҳиятини тўлиқ намоён этади. Бу эса тариқатга кирган ростгўй, ҳақиқатпарвар сўфийнинг дилдан қилган фарёди, Ҳақиқий ишқ ҳақидаги тушунчаси, уни қийнаган дард ифодасидир. Бу борада у ҳеч кимни ўзига тенг кўрмайди, ишқи илоҳий йўлида ёлғиз угина собитқадам, угина ҳақиқий ошиқ:

Зоғу зағанни ҳаргиз булбулга қилма ташбеҳ,
Ошиқ эли қошида зоҳид эли чикоро.
[3. 13а]

Шоирнинг муҳаббат мавзусидаги шеърлари аксари давр ижтимоий масалаларига муносабат, даврон аҳлига панд-насиҳат руҳи билан суғорилган. Садоий ғазаллари фақат таърифу тавсиф, маҳбуба васфидангина иборат бўлмай, уларда тақдир зарбаларини бошдан кечирган донишманд шахснинг фалсафий ўй-фикрлари, мулоҳазалари ҳам ўз аксини топган:

Вафосиз ушбу дунёда қолибман бесару сомон,
Юрак бағримни ғам эзди, топилмас кўзда нам пайдо...
Бу дунё бемадородур, кўнгилни берма, эй ғофил,
Бу дунё ҳосилидин санга бўлмас жуз алам пайдо.
[3.4а]

Шоир ижтимоий лирикаси унинг табиатидан келиб чиқиб, панду ўгит, насиҳат оҳанглари билан уйғунлашиб кетган. У жамият кишисини яхши сўз, оқилона насиҳатлар билан тарбиялашни умид қилади. У ҳайру саховат қилмоқчи бўлган кишини қуёшга ўхшатади. Аммо ҳамма ҳам яхшиликка яхшилик қайтаравермайди. «Агар сен шундай инсонни топсанг, - дейди шоир, - Молингу жонингни бер, остонасидан олма бош».

Садоий Шарқ мумтоз девончилик қоидаларига кўра девонини очувчи ғазаллар сифатида ҳамд, муно-

жот ва наътлар ижод этди. Шоирнинг бундай орифона ғазалларида бир томондан, унинг комил эътиқоди, тасаввуфий дунёқараши, баркамол жамият ва инсон ҳақидаги идеаллари ўз ифодасини топса, иккинчидан, унинг мумтоз шарқ шеърияти анъаналари таъсирида шаклланган юксак бадиий маҳорати намоён бўлди. Мирҳасан Садоий ижодини ўрганиш, ундаги маърифат негизида қурилган ғоя ва бадиий мазмунни чуқур англаб етиш мустақил юртимизда вояга етаётган баркамол авлод тарбияси учун муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн жилдлик, 1-жилд. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – 804 б.

2. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Movarounnahr – O‘zbekiston, 2009. – 290 б.

3. Садоий, Мирҳасан. Девон. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 2619/1 инвентарь рақами остида сақланаётган нусха.

4. Салоҳий Д. Навоийнинг шеърий услуби масалалари. – Т.: Фан, 2005. – 206 б.

5. Ғаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. – Т.: Маънавият, 2001.

Самарқанд давлат университети,
2018 йил 16 майда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Салоҳий)